*Muloqot*

## ЖАВОБГАРЛИК БЕЛГИЛАНГАН

***— Мен 2003 йилда фермер хўжалиги ташкил этган эдим. Айтинг-чи, фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланадими?***

**Ҳ.ҚОДИРОВ,**
**Каттақўрғон тумани**

— **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 35-моддасида бу ҳақда батафсил фикр юритилган. Ушбу моддага асосан фермер хўжалиги ўз мажбуриятлари бўйича, шу жумладан, тузилган контрактация шарномаларига мувофиқ, давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотини назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш бўйича, шунингдек, моддий-техника ресурслари етказиб берилганлиги ва хизматлар кўрсатилганлиги учун ўз вақтида ҳақ тўлаш бўйича, қонунларга кўра, ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўз мол-мулки билан жавобгар бўлади.

Фермер хўжалигининг бошлиғи фермер хўжалигининг мол-мулки етарли бўлган тақдирда фермер хўжалигининг мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши муносабати билан унинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар қайта ташкил этилаётган ёки тугатилаётган фермер хўжалигида маблағ бўлмаган ёхуд етарли бўлган суммалар қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат томонидан ундирилади.

## СОЛИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ КИМ?

***— Солиқ маслаҳатчилари кимлар бўлиши мумкин?***

**Ш.БАРАТОВ,**
**Тошкент шаҳри**

— 2006 йил 25 августда қабул қилинган **«Солиқ маслаҳати тўғрисида»**ги қонуннинг 14-моддасида солиқ маслаҳатчиси ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ, малака сертификатини олган жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисидир.

Солиқ маслаҳатчиси, агар у солиқ маслаҳатчилари ташкилотининг штатида турган бўлса ёки солиқ маслаҳатчилари ташкилоти у билан фуқаролик-ҳуқуқий характердаги шартнома тузган бўлса, солиқ маслаҳатига жалб этилиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ваколатли давлат идораси белгилаган тартибда ўз малакасини ошириши шарт.

Бундан ташқари, ушбу қонуннинг 19-моддасида солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси ҳақида ҳам сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага асосан, малака сертификатига эга бўлмаган ва солиқ маслаҳатчисининг солиқ маслаҳати билан боғлиқ топшириқларни солиқ маслаҳати бўйича ҳисоботга имзо қўйиш ҳуқуқисиз бажарувчи жисмоний шахс солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси бўлиши мумкин.

Солиқ маслаҳатчиси ёрдамчисининг меҳнат шароитлари қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда солиқ маслаҳатчилари ташкилоти билан тузилган меҳнат шартномасида белгиланади.

Солиқ маслаҳатчисининг ёрдамчиси сифатида ишланган вақт малака сертификати олиш учун зарур бўлган иш стажига қўшилади.

## ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ НИМА?

***— Фуқароларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати нималардан иборат?***

**Б.АКРАМОВ,**
**Қарши тумани**

— Фуқаролик кодексининг 17-моддасида ҳуқуқ лаёқати ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага асосан, барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади.

Фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати у туғилган пайтдан эътиборан вужудга келади ва вафот этиши билан тугайди. Ушбу кодекснинг 18-моддасида фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг мазмуни ҳақида сўз юритилган бўлиб, унда таъкидланишича фуқаролар:

мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга бўлишлари; мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васият қилиб қолдиришлари; банкда жамғармаларга эга бўлишлари; тадбиркорлик, деҳқон (фермер) хўжалиги билан ҳамда қонунда таъқиқлаб қўйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари; ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари; юридик шахс ташкил этишлари; битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари, етказилган зарарнинг тўланишини талаб қилишлари; машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари; фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қўриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга бўлишлари мумкин.

Фуқаролар бошқа мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Муомала лаёқати ҳақида эса ушбу кодекснинг 22-моддасида айтиб ўтилган бўлиб, ушбу моддага асосан фуқароларнинг ўз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлиш ва уларни амалга ошириш, ўзи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати (муомала лаёқати) у вояга етгач, яъни ўн саккиз ёшга тўлгач, тўла ҳажмда вужудга келади.

Вояга етгунга қадар қонуний асосда никоҳдан ўтган фуқаро никоҳдан ўтган вақтдан эътиборан тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлади.

Никоҳ тузиш натижасида эга бўлинган муомала лаёқати ўн саккиз ёшга тўлмасдан туриб никоҳ қилинган тақдирда ҳам тўла сақланиб қолади.

Никоҳ ҳақиқий эмас деб топилганда, суд вояга етмаган эр (хотин) суд белгилаган пайтдан бошлаб тўла муомала лаёқатини йўқотганлиги ҳақида қарор қабул қилиши мумкин.

## АЪЗО ҲИСОБЛАНАСИЗ

***— Яқинда кўп қаватли уйдан квартира сотиб олдим. Айтинг-чи, мен ҳам ушбу уйнинг хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкат аъзоси бўлишим мумкинми?***

**Н. МАҲМУДОВА,**
**Бектемир тумани**

— Ҳа, сиз ширкат аъзоси ҳисобланасиз. Чунки **«Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»**ги қонуннинг 13-моддасига мувофиқ, жой мулкдорлари юридик ва жисмоний шахслар ширкат аъзолари бўлади.

Жой бошқа шахсга берилган тақдирда, унинг мулкдори – ширкат аъзоси янги мулкдорни ўзининг ширкат аъзоси эканлиги ҳамда ширкат уставида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эгалиги, бу ҳуқуқ ва мажбуриятлар янги мулкдорга ўтиши ҳақида хабардор қилиб қўйиши шарт.

Ширкат ташкил этилган уйдан квартира олган шахслар ўзларида шу жойга нисбатан мулк ҳуқуқи вужудга келган пайтдан эътибордан ширкат аъзоси ҳисобланади.

***Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.***

*Bugunning gapi*

# ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ – УСТУВОР ЙЎНАЛИШ

**Аҳоли ижтимоий ҳимоя тизими яхлит шаклланган мамлакатимизда мазкур йўналишдаги давлат сиёсати комплекс тарзда амалга оширилмоқда. Бу сиёсат нафақат айрим камчиликларни бартараф этишни, балки жамиятда ҳар бир фуқаронинг пухта таълим ва сифатли тиббий ёрдам олишини, ўзига мос касбни эгаллашини ва меҳнат қилишини, дам олиш шароитини яратишни кўзда тутади. Юртбошимиз томонидан 2007 йил "Ижтимоий ҳимоя йили", деб эълон қилингани давлатимиз инсонпарвар сиёсатининг мантиқий давоми бўлди.**

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан иқтисодни тизимли ва изчил тузилмавий янгилаш жараёни, биринчи навбатда, макроиқтисодий мувозанатни таъминлашга, умуман олганда, иқтисодий ўсишнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланишига имкон туғдирди. Булар ўз ўрнида иш билан бандлик, аҳоли даромадлари ўсишига доир муаммоларнинг ҳал этилишига кўмаклашди. Шунингдек, солиқ юкини енгиллаштириш бўйича қабул қилинган қонунлар иқтисодни эркинлаштириш жараёни кенгайтирилишини таминлади. Қолаверса, моддий ресурс ва тайёр маҳсулотни экспорт қилиш тизимини эркинлаштириш йўлида муҳим тадбирлар амалга оширилди. Тадбиркорлар, аввало, кичик бизнес субъектларининг юқори ликвидли моддий ресурслардан фойдаланиши бўйича барқарор бозор механизми шакллантирилди.

Албатта, амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолининг ижтимоий аҳволи сезиларли даражада яхшиланди, одамларнинг онги ва менталитети ҳам ўзгармоқда. Бюджет соҳасида ишлайдиган ходимларнинг маошлари, нафақа, стипендия ва болалар нафақаси бир неча бор ошди, аҳолининг даромадлари кўпайди.

Таъкидлаш жоизки, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатларини таъминлаган асосий манбалар қулай ташқи омиллар ёки хомашё ҳамда ресурслар эмас, аксинча, буларнинг барчаси мамлакат модернизациясининг чуқур ўйланган модели ва бозор ислоҳотларининг узоқ муддатли дастури натижасидир.

Таълим соҳасидаги кенг миқёсли ислоҳатлар 1997 йили қабул қилинган **«Таълим тўғрисида»**ги қонун ва **Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури** асосида олиб борилди.

Мазкур қонун ва Дастур Президентимизнинг ташаббуси ҳамда бевосита раҳбарлигида ишлаб чиқилди. Унинг самаралари таълим тизимидаги туб ўзгаришларда намоён бўлмоқда. Тўққиз йиллик умумий ўрта таълим, уч йиллик ўрта махсус касб-ҳунар таълими ва икки даражали (бакалавриат ва магистратура) олий таълим тизими тўлиқ амалга киритилди. Айниқса, **«2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий Давлат дастури»**нинг қабул қилиниши педагог кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлашни юқори савияга кўтаришга, замонавий талабларга жавоб берадиган дарслик ва қўлланмалар яратишга, ўқув масканларини капитал ва жорий таъмирдан чиқаришга, янгиларини қуришга — бутун бир бунёдкорлик ишлари таълим тизимини тубдан янгилашга, унинг моддий базасини кучайтиришга имкон яратди. Давлат бюджетининг салмоқли қисми шу соҳага ажратилаётгани келажак авлод тарбияси ва таълимни доимо давлат эътиборида турганини кўрсатди.

Умуман, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг миқёсли тадбирлар, таълим тизимига киритилаётган янги педогогик технология ва услублар ҳамда узлуксиз таълим педагогикаси ютуқлари нафақат мамлакатимизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам тан олиниб, эътироф этилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **ижтимоий ҳимоя нафақат давлат ташкилотлари ва ҳокимият органлари, ижтимоий ҳимоя муассасалари ва ҳомийлик ташкилотларининг иши бўлиб қолмай, балки бутун жамиятнинг диққат-эътибори марказида бўлиши лозим. Айнан шундай ёндашув Ижтимоий ҳимоя йили Давлат дастурининг асосий моҳияти ва мазмунини аниқлаб бериши лозим.**

Бу борадаги асосий йўналишлардан бири педагоглар, айниқса, ёш кадрларга кўрсатилиши лозим бўлган ғамхўрликдир. Бу борада давлатимиз томонидан педагоглар меҳнатини рағбатлантиришга катта эътибор берилмоқда. 2005 йилнинг 25 ноябридаги **"Халқ таълими маош тизимини такомиллаштириш ва ходимларининг меҳнатини моддий рағбатлантиришни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар ҳақида"**ги Президент Фармойиши ўз касбига содиқ педагогларни моддий қўллаб-қувватлашнинг янги механизмини жорий этишда, ўсиб келаётган авлод тарбиясида ҳар бир ходимнинг шахсий масъулиятини оширишда жиддий бурилиш ясади. Айни пайтда ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантириш дифференциацияланган ҳолда амалга оширилмоқда. Бу жараён "Ижтимоий ҳимоя йили"да ўзининг мантиқий давомини топиши ва янада кучайиши кутилмоқда. Бугунги кунда мактаблар замонавий қиёфа касб этмоқда, ўқитувчининг масъулиятли меҳнати эса қадрқимматини топаяпти.

Шу ўринда айрим таклиф ва мулоҳазаларимизни ҳам айтиб ўтишни лозим топдик.

Айтиш жоизки, давлат бюджетидан ижтимоий соҳаларни ислоҳ қилиш учун ажратилаётган маблағлар миқдори йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Жумладан, 2007 йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш учун давлат бюджетининг 54,1 фоизи ажратилди. Албатта, давлат бюджетидан ажратилаётган бу маблағлар узлуксиз таълим тизими, илм-фан, маданият, спорт, тиббий соҳа, маҳалла ва шу каби ижтимоий соҳаларни ҳар томонлама ривожлантиришга йўналтирилади. Шундай экан, соҳа мутахассислари ижтимоий ҳимоя тизими иқтисодий механизмини такомиллаштириш ва бу борада ривожланган давлатлар тажрибаларини ўрганишлари лозим бўлади. Бунинг учун эса, иқтисодиёт йўналишига ихтисослашган олий таълим муассасаларида «Ижтимоий соҳа иқтисодиёти», «Ижтимоий психология» каби кафедралар ҳам ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўларди.

**Муҳаммадали САИДОВ,**
**иқтисод фанлари доктори**
**Шуҳрат УЛУҒОВ,**
**тадқиқотчи**

*Shartnoma qonunchiligi*

# ИМКОНИЯТ ВА МАСЪУЛИЯТ

**Телевидение орқали намойиш этилган «Лафз» телесериалини кўрган кишининг дунёқарашида лафзсизлик ва бу иллатининг келтириб чиқарадиган оқибати ҳақида муайян тушунча пайдо бўлиши табиий. Зеро, фильмда лафзсизлик икки қадрдон дўст орасига нафақат нифоқ солади, балки адоват уруғини сепади.**



Фильм қаҳрамонлари ўзаро шартноманинг қадимий, яъни оғзаки шаклига кўра иш юритишади. Бироқ мол-дунёга ортиқча ҳирс қўйиш оқибатида ўртадаги шартнома мажбуриятлари бажарилмай қолиб кетади. Тўғри, кинодаги воқеалар ўтмишда бўлиб ўтган, лекин инсонлар ўртасидаги ишонч, лафзга садоқат ҳеч қачон эскирмайди. Аксинча, лафзсизлик зарарли оқибатларга олиб келишига бугун ҳам гувоҳ бўлиш мумкин.

Жорий йил давлат эҳтиёжи учун пахта хомашёси етиштириш юзасидан Наманган вилояти бўйича ширкат хўжаликлари билан 31 та, фермер хўжаликлари билан 5160 та шартнома тузилиб, вилоят бўйича 261.000 тонна ҳосил етиштириб бериш режалаштирилган эди. Йил якунига кўра, вилоят бўйича 1067 та хўжалик юритувчи субъектлар томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмади. Бирники мингга, мингники туманга деганларидек, бу вилоят бўйича пахта тайёрлаш йиллик режасига жиддий таъсир кўрсатди. Натижада режага нисбатан кам ҳосил йиғилди.

Маълумки, кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фермер хўжаликларининг эркин фаолият юритиши учун барча шарт-шароит яратиб берилмоқда. Президентимизнинг **«2004—2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»**ги Фармонида фермер хўжаликларининг истиқболини кафолатлайдиган ишончли тизимни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Жойларда бугуннинг талабидан келиб чиқиб иш юритаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Уларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар самараси тобора аниқ кўринмоқда. Бироқ шоли курмаксиз бўлмаганидек, биргина жорий йилнинг ўзида Мингбулоқ туманида 197 та хўжалик юритувчи субъект пахта етиштириш режасини бажармади. Бунинг оқибатида 278.140.000 сўмлик моддий зиён кўрилди. Косонсой туманида эса 18 та хўжалик юритувчи субъектнинг сусткашликка йўл қўйгани оқибатида 94.480.155 сўмлик шартнома мажбуриятлари бажарилмади.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан томонлар ўртасида тузилган шартнома мажбуриятларининг нима учун бажарилмагани сабаблари ўрганиб чиқилди. Жумладан, Мингбулоқ туманидаги «ДШН-2002» хўжалик юритувчи субъект йиллик режага нисбатан 1,7 фоиз пахта ҳосили етиштириб берган, холос. Мазкур хўжалик билан томонлар ўртасида тузилган шартномага кўра 12 тонна пахта хомашёси тайёрланиши лозим эди. Тумандаги «Адҳам Бектемиров» номидаги фермер хўжалиги аъзолари эса, шартномадаги 93,9 тонна ўрнига 13,6 тонна пахта топшириб, режага нисбатан 80,3 тонна кам маҳсулот сотишган. Косонсой туманидаги «Илонқир оқ марвариди» фермер хўжалиги аъзолари режасини 7,4 фоизгагина уддалаб, туман бўйича энг паст кўрсаткичга «эришган». Яъни режадаги 69 тонна ўрнига бор-йўғи 5,14 тонна пахта сотиш билан чекланган.

Поп туманидаги «Жамшид-Наврўз-Т.А», Янгиқўрғон туманидаги «Бумирзаев Одилжон», Чуст туманидаги «Парвоз», «Фарҳод-1» ҳамда «Нафиса-98» фермер хўжаликлари шартнома мажбуриятларига умуман амал қилишмаганки, бундай аҳволни изоҳлашга сўз топиш қийин. Ваҳоланки, йил бошида «Парвоз» фермер хўжалиги 44 тонна, «Фарҳод-1» фермер хўжалиги 26 тонна «Бумирзаев Одилжон» фермер хўжалиги 35 тонна, «Жамшид-Наврўз-Т.А» фермер хўжалиги 76 тонна пахта етиштириш ҳақида шартнома имзолаган эди. Уларга давлат томонидан пахта маҳсулоти етиштириш учун қанчадан-қанча минерал ўғит, ёқилғи ва техника хизмати харажатлари сарфланган. Фуқаролик кодексининг 406-моддасида: **«Қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини тайёрловчига контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топшириши шарт. Агар қишлоқ хўжалиги маҳсулоти контрактация шартномасида назарда тутилган миқдор ва ассортиментда топширилмаслиги олдиндан маълум бўлганда, тайёрловчи шартномани бекор қилиш, ўзгартириш, зарарни қоплашни талаб қилишга ҳақли»**, деб белгиланган.

Бунда ташқари, томонлар ўртасида имзоланган шартноманинг 5.2. бандида: **«Шартномада белгиланган сифатда, миқдорда ва муддатларда маҳсулотни топширишдан асоссиз бўйин товлаган хўжалик «Тайёрловчига» топширилмаган маҳсулотнинг 25 фоизи миқдорида жарима тўлайди»**, дейилган. Вилоят адлия бошқармаси томонлар ўртасидаги шартнома мажбуриятларини бажармаган 483 та хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритди. Бундан кўзланган мақсад — шартнома мажбуриятлари бажарилмагани оқибатида юзага келган моддий зарарни жой-жойига қўйишдир.

Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси **«Ер тўғрисида»**ги қонунни бузгани ҳамда **«Фермер хўжалиги тўғрисида»**ги қонуннинг 32-моддасида кўрсатилган талабларга амал қилмагани учун 19 та фермер хўжалиги билан туман ҳокимлари ўртасида тузилган шартномаларни бекор қилиш юзасидан вилоят хўжалик судига 19 та даъво аризаси киритган эди. Даъво аризалари вилоят хўжалик суди томонидан тўлиқ қаноатлантирилди.

Шартнома, аслида, лафз демак. Унга амал қилмаганлар, охир-оқибат эл-юрт орасида, энг асосийси, ҳамкорлари олдида уялиб қолиши муқаррар.

**Жамолиддин ЭРГАШЕВ,**
**Наманган вилояти адлия бошқармасининг бошлиғи**

*Saboq*

# ҚОНУННИ ЧЕТЛАБ ЎТМОҚЧИ БЎЛГАНЛАР

Ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект, мулкчилик шаклидан қатъи назар назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши ёки кенгашнинг вилоят ҳудудий комиссияси рухсатисиз текширилмайди. Назорат қилувчи идоралар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Кенгашнинг режа жадвалига зид тарзда, хўжалик юритувчи субъект фаолиятини текшириш қонун орқали ман этилган. Хусусан, **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»**ги қонунда мазкур қонун ҳужжатларини бузишда айбдор ҳисобланган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган. Ҳозирги пайтда бу тартиб-қоидаларни нафақат назорат идоралари, балки хўжалик юритувчи субъектлар, ҳатто, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳам жуда яхши билишади.

Бироқ Жомбой туман санитария-эпидемиология назорати маркази санитария врачи ёрдамчиси З.Наврўзбоева ушбу қоидаларни билса-да, ғайриқонуний ишга қўл уришдан ўзини тия олмади. У ҳеч қандай рухсатсиз Жомбой шаҳридаги «Киновидео» масъулияти чекланган жамиятда ўзбошимчалик билан текшириш ўтказди ва «Ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари олиб борилмаган», деган важни тиркаб маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида баённома тузди.

Баённомада масъулияти чекланган жамият раҳбари Абдумалик Норимов маъмурий ҳуқуқбузар сифатида кўрсатилганди. Албатта, кутилмаган текшириш ҳамда ўзининг ҳуқуқбузарликда айблanganидан А.Норимов норози бўлади. Шу боис, баённомага имзо чекмайди. Тадбиркорнинг имзо чекишдан бош тортишидан ҳам туман ДСЭНМ раҳбари ҳамда З.Наврўзбоева бирор-бир хулосага келишмаган, яъни бу ҳаракатнинг тартиб-қоидага зид эканини ўйлаб кўришмаган. Аксинча, ўша куниёқ З.Наврўзбоева томонидан тузилган баённома туман санитария-эпидемиология назорат марказида муҳокама қилиниб, бош врач Р.Сатторов томонидан ҳуқуқбузар — Жомбой «Киновидео» масъулияти чекланган жамият раҳбари А.Норимовга **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодекснинг 53-моддасига асосан энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида маъмурий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинган.

Вилоят адлия бошқармаси туман санитария-эпидемиология назорати марказида тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари ижросининг аҳволи ўрганилганда юқоридаги ҳолат аниқланди. Бош врач Р.Сатторовнинг эътиборсизлиги ходим З.Наврўзбоеванинг текшириш тартибини бузишига, тадбиркорлик субъекти фаолиятига қонунга зид тарзда аралашувига имкон туғдирган. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида вилоят адлия бошқармаси туман санитария-эпидемиология назорати маркази бош врачи номига тақдимнома киритди. А.Норимовни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарор бекор қилинди. Умуман, Р.Сатторов ва З.Наврўзбоеванинг хатти-ҳаракатларида **«Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»**ги кодексининг $241^1$-моддаси, 1-қисмида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжудлиги боис, вилоят адлия бошқармаси уларни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида жиноят ишлари бўйича Жомбой туманлараро судига таклиф киритди. Қонун талабларини бузиб, тадбиркор фаолиятига ғайриқонуний аралашгани учун суд қарори билан Р.Сатторовга 75 минг 600 сўм, З.Наврўзбоевага 43 минг 200 сўм маъмурий жарима қўлланилди.

Хулоса шуки, бугун барча хўжалик юритувчи субъект, тадбиркор фаолияти қонун воситасида муҳофаза қилинган. Қонундан четга чиқиш, тадбиркор фаолиятига ғайриқонуний тарзда аралашиш, юқорида гувоҳ бўлганингиздек, яхшилик билан якун топмаслигини унутмайлик.

**Сафар ТОҒАЕВ,**
**ҳуқуқшунос**
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**«Инсон ва қонун» мухбири**

*Islohot odimlari*

# ЧЕТ ЭЛ ИНВЕСТИЦИЯСИ

***(Давоми. Боши биринчи бетда)***

Мамлакатимизда, ҳозирга кунга келиб, чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза қилиш механизми тўла шаклланган. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 майдаги **«Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни ҳуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 205-сонли қарори билан, хорижий инвестицияларни ишончли ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг амалий мехнизмини барпо этиш ва шу асосда мамлакатдаги инвестиция муҳитини янада яхшилаш мақсадида Адлия вазирлигига хорижий инвесторларни ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш вазифаси юклатилди ҳамда бу вазифани амалга оширишда вазирликка тегишли ҳуқуқ ва ваколатлар берилди. Мазкур вазифаларни адо этиш мақсадида тизимда махсус бошқарма, яъни хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий ҳимоя қилиш бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилди. Бу механизм ҳозирда самарали фаолият кўрсатиб, чет эллик инвесторлар, уларнинг инвестициялари ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоясига хизмат кўрсатаётир. Жумладан, бошқарма ташкил этилган пайтдан ўтган йилнинг 6 ойи давригача чет эллик инвесторлар ва уларнинг инвестициялари иштирокидаги корхоналардан 4 мингдан зиёд ариза келиб тушган. Аризалар бўйича тегишли давлат ва назорат идораларига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан 824 та тақдимнома, тегишли идораларнинг ҳуқуққа хилоф қарорларини тўхтатиш ҳақида 208 та кўрсатма киритилган. 360 нафар мансабдор шахс қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида огоҳлантирилган.

Ўз навбатида, адлия идоралари томонидан чет эллик инвестициялар ва улар иштирокидаги корхоналар манфаатларини кўзлаб, умумий қиммати 46,8 миллиард сўм ва 9 миллион АҚШ долларига тенг 2,5 мингдан зиёд даъво аризаси судларга киритилган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда чет эл инвестициялари ва улар иштирокидаги корхоналарнинг ҳуқуқий ҳимоя механизми самарали фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу эса, ўз навбатида, чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун мамлакатимизда қулай шарт-шароитлар яратилганидан, давлатимиз раҳбарияти ва ҳукуматимиз томонидан бу соҳага жиддий эътибор берилаётганидан далолатдир.

**С.СОБИРОВ,**
**Адлия вазирлиги масъул ходими**

*Mulohaza uchun mavzu*

# ОЛМОҚНИНГ БЕРМОҒИ БОР

## ёхуд кредит олиш ва уни қайтаришнинг ҳуқуқий асослари

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Ўн кун муддат ичида банк томонидан бу ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, банк хулосаси кредит ажратиш қўмитасига тақдим этилади. Агар тавсия этилаётган бизнес режа ва корхонанинг молиявий аҳволи яхши деб топилса, томонлар ўртасида кредит шартномаси тузилади.

Кредит ажратилишига доир ҳужжатлар тақдим этилмаганда ёхуд бу ҳужжатлар қонун талабларига жавоб бермаган ҳолларда банк муассасаси мижознинг аризасини рад этишга ҳақли. Бироқ, баъзан мижозлар юқоридаги талабларни тушуниб етмайдилар. Бундан ҳам ачинарлиси, кредит бериш талабларини тўла тушуниб туриб ҳам ариза ва шикоятлар ёзиб, кредит ажратилишига эришмоқчи бўладилар.

Ахир, асоссиз аризабозликдан наф борми? Ойни этак билан ёпиб бўлмагани каби, ўринсиз шикоят ҳам, албатта, натижасиз қолаdiку. Кундалик турмушда учрайдиган бошқа бир ҳолатдан ҳам кўз юма олмаймиз. Айрим кимсалар тадбиркорлик баҳонасида банк ва кредит уюшмаларидан катта миқдорда кредит олишга эришадилар. Улар ишни қандай сохтакорлик билан бошлаган бўлсалар, кредитни қайтариш муддати келганида ҳам шундай йўл тутишга уринадилар. Охир-оқибатда эса «Қинғир иш – келтирар ташвиш» деганларидек, ўзлари адоқсиз ташвиш гирдобига тушиб қоладилар. Аниқроқ айтганда, ҳар қандай сохта «тадбиркор» мавриди келганида, албатта, қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлади. Мана, ҳаётий бир мисол: тошкентлик О.Б., А.К. ва О.К.лар ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда жуда катта миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш мақсадида сохта тадбиркорлик билан шуғулланишган. Ҳатто шу мақсадда «Эҳсон» хусусий фирмасини ташкил этиб, ғаразли мақсадларини амалга оширишга уринишган. Хайриятки, сохта «тадбиркорлар»нинг сири ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан фош этилиб, Жиноят кодексининг 179, 167-моддалари билан айбдор деб топилиб, уларга тегишли жазо тайинланди.

Аксарият ҳолларда кредит тўғрисидаги шартнома шартлари бажарилмаслиги оқибатида кредитор ташкилотлар судга мурожаат қилишга мажбур бўлади. Собиқ «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳозирда «Ипотекабанк»нинг Сурхондарё бўлими Фуқаролик ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туманлараро судига мурожаат қилиб, жавобгар Х.М.дан кредит қарзлари ва банк фоизларини ундириб беришни сўраган. Аниқланган ҳолатларга кўра, собиқ «Ўзуйжойжамғармабанк» ҳозирда «Ипотекабанк»нинг Сурхондарё бўлими билан жавобгар Х.М. ўртасида тузилган кредит шартномасига биноан, жавобгар Х.М. икки йил муддатга «Тико» автомашинаси сотиб олиш учун 6.807.280 сўм миқдорида истеъмол кредити билан таъминланган.

Кредитни таъминлаш воситаси сифатида банк ва жавобгар ўртасида гаров шартномаси имзоланган ва гаров воситаси сифатида сотиб олинаётган автомашина 6.807.280 сўмга баҳоланиб, гаровга қўйилган. Банк бўлими томонидан шартнома шартлари бажарилиб, Термиз шаҳридаги «Автотеххизмат»га Х.М.нинг 6.807.280 сўм кредит қарзини тўлаб берган. Шартномага кўра, кредит қарзларини қайтариш муддати — 2004 йилнинг 19 декабрига, деб белгиланган бўлса-да, жавобгар кредит шартномаси шартларини бажармай келган. Жавобгарнинг кредит ва фоизлар бўйича қарз суммаси — 3.547.194 сўмни ташкил этган.

Фуқаролик кодексининг 744-моддасида: **«Кредит шартномаси бўйича бир тараф — банк ёки бошқа кредит ташкилоти (кредитор) иккинчи тараф — (қарз олувчи)га шартномада назарда тутилган миқдорда ва шартлар асосида пул маблағлари (кредит бериш), қарз олувчи эса олинган пул суммасини қайтариш ва унинг учун фоизлар тўлаш мажбуриятини олади»**, деб қайд этилган.

Судда жавобгар Х.М.нинг кредит шартномасига кўра тўлаши лозим бўлган асосий қарзи ва унинг фоизи 3.547.164 сўмни ташкил этиши ўз исботини топди. Суд ишни ҳар томонлама ўрганиб, Фуқаролик кодексининг 744-моддаси, Фуқаролик процессуал кодексининг 174, 203, 206-моддаларини қўллаган ҳолда даъвогарнинг даъво талабларини қаноатлантиришни лозим топди. Жавобгар Х.М.дан кредитор фойдасига жами уч миллион олти юз тўқсон етти минг сўм ундириладиган бўлди.

Аслини олганда, шартнома ҳар икки томон, яъни қарз берувчи (кредитор) ва қарз олувчининг қонуний манфаатларига тўла мос келган ҳолдагина томонларнинг розилиги билан имзоланади ва имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради. Демак, икки томон ҳам шартнома бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажариши шарт. Зотан, кредит шартномасини бажармаслик ёки лозим даражада бажарилмаслик, оддий қилиб айтганда, лафзсизлик ҳисобланади. Бинобарин, бундай шахсларга нисбатан қонунчилигимизда ҳам тегишли чора-тадбирлар белгиланган. Шунингдек, кредитор ташкилотларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари қонун доирасида муҳофаза этилади. Мана, бунга бир мисол: «Имкон» кредит уюшмаси фуқаро С.А. дан қарз суммасини ундириб бериш тўғрисида судга даъво аризаси билан мурожаат қилган. Судда аниқланишича, томонлар ўртасида тузилган кредит шартномасига асосан жавобгар С.А.га 7.500.000 сўм кредит берилган. Шартномага кўра, қарздор ҳар ойнинг 2-кунидан кечикмаган ҳолда кредитдан фойдаланганлик учун йиллик 84 фоиз миқдорида устама фоизларни ҳамда асосий қарзнинг тегишли миқдорини тўлаш мажбуриятини олган. Бироқ жавобгар зиммасидаги мажбуриятни бажаришдан бўйин товлаб келган.

Суд ишни ҳар томонлама кўриб чиқиб, Фуқаролик кодексининг 279-моддасида кўрсатилганидек, **«Гаровга олувчининг (кредиторнинг) талабларини қондириш учун ундирувни қарздор гаров билан таъминланган мажбуриятни ўзи жавобгар бўлган вазиятларда бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда гаровга қўйилган мол-мулкка қаратиш»**ни лозим деб топди. Жавобгар С.А.дан «Имкон» кредит уюшмаси фойдасига 7.500.000 сўм кредит суммаси, 1.173.333 сўм кредит суммаси фоизлари ундириладиган бўлди. Ушбу қарз суммасини ундириш жавобгар томонидан гаровга қўйилган хусусий дўкон биносига қаратилди.

Ҳа, аслини олганда, шартнома — лафз демакдир. Лафзи ҳалол, ўз сўзининг устидан чиқадиганлар ҳаётда асло қоқилмайди. «Оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним» деганларидек, зиммасидаги мажбуриятни бажаришга, яъни кредитни қайтаришга келганда минг мақомга йўрғаловчи кимсалар олмоқнинг, албатта, бермоғи борлигини унутмасликлари керак.

**Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,**
**журналист**

*Dunyoning ishlari*

# ОМАД КЕЛТИРГАН БОЙЛИК

***(Давоми. Боши ўтган сонда)***

...Энг асосийси, денгизга ғарқ бўлган "Нуэстра сеньора де ла консепьон" кемаси ва унинг бортида бўлган беҳисоб бойликлардан кўпчиликнинг хабари бор эди. Бу бойликни қидириб топишга адмиралдан тортиб, катта-кичик қароқчи тўдалари бел боғлашганди. Фақат улар бойлик ортилган кеманинг айнан қаерда ҳалокатга учраганини аниқ билишмасди. Хазина изловчилар асосан тахмин ва турли миш-мишларга таяниб қидирув ишларини олиб боришарди. Агар кимдир Уильям Фиппсда кема чўккан жойнинг харитаси борлигини билса, уни тинч қўймаслиги тайин эди. Шундай экан, Фиппсга хазина қидириш учун нафақат мустаҳкам кема, балки уни қароқчилардан ҳимоя қилишга қодир кучли ҳомий ҳам керак бўларди. Буни яхши англаб етган Фиппс ўзига ҳамкор қидира бошлади. У аввалига капитан Морганга ўхшаш машҳур ва кучли қароқчилар билан шериклик қилиш ниятида эди. Лекин тез орада бу ниятидан қайтди. Чунки қароқчи барибир қароқчи-да. Ўнлаб кемаларни талаган, юзлаб инсонларни ёстиғини қуритган қароқчи учун беҳисоб бойликларнинг олдида Уильям Фиппснинг ҳаёти нима бўлибди. Демак, қароқчилар билан ҳамкорлик қилиш ҳақида ўйлашнинг ўзи ғирт аҳмоқликдан бошқа нарса эмас...

Бу вақтга келиб сувга ғарқ бўлган "Нуэстра сеньора де ла консепьон" кемаси бортидаги афсонавий бойликлар ҳақидаги миш-мишлар турли ўлкаларга тарқаб кетган ва бу хазинани топиш учун экспедиция ташкил қилиш ҳамда уни молиявий таъминлаш мақсадида юрган йирик-йирик компаниялар ҳам мавжуд эди. Энг қизиғи, ғаройиб хазина ҳақидаги миш-мишлар расмий Лондонга ҳам етиб борган ва қирол саройида бу ҳақда турли гап-сўзлар юрарди. Бундан хабар топган Уильям Фиппс таваккал қилиб Лондонга отланди. Албатта, ўша даврда Фиппс учун Англия қиролидан ҳам кўра кучлироқ пуштипаноҳ топишнинг ўзи бўлмасди...

Хуллас, Уильям Фиппс ўзига тегишли бўлган "Бостон юлдузи" кемасини пуллаб, Лондонга, тўғрироғи, қирол саройига йўл олди. Бу пайтда Англияни қирол Карл 11 бошқарарди. Тарихий маълумотларда келтирилишича, Карл 11 инглиз бўлишига қарамасдан, руҳан французларга яқин эди. Шунинг учунми, у байрамларни ва маишатни яхши кўрар, саройда тинимсиз тантаналар уюштирарди. Шу боис унинг хазинаси ҳамиша бўм-бўш бўларди. Қайсидир йўллар билан буни аниқлаган Уильям Фиппс қирол Карл 11 га Кариб денгизидаги битмас-туганмас бойликлар ҳақида маълумотни етказишга муваффақ бўлади. Албатта, бу маълумот қиролнинг назаридан четда қолиши мумкин эмас эди. Қирол Фиппсни саройга таклиф қилади ва фақатгина икковига маълум шартлар асосида хазина қидиришда уни қўллаб-қувватлашга рози бўлади. Шу тариқа қиролнинг буйруғи билан Уильям Фиппс бошчилигида махсус экспедиция ташкил қилиниб, экспедицияга 18 та тўп билан қуролланган "Жазоир атиргули", деб номланган ҳарбий кема ажратилади.

Махсус жиҳозланган кема ва экспедиция билан Кариб денгизига йўл олган Уильям Фиппс кекса матрос берган харита ёрдамида "Нуэстра сеньора де ла консепьон" чўккан манзилни жуда осон аниқлайди ва қидирув ишларини бошлаб юборади. Афсуски, экспедиция аъзолари ёз бўйи олиб борган қидирув ишлари бирор-бир натижа бермайди. Вақт ўтиб кемадаги озиқ-овқат захирасининг ҳам таги кўриниб қолади. Бунинг устига натижасиз қидирувдан зериккан экспедиция аъзолари Фиппсга қарши бош кўтарадилар. Хуллас, Уильям Фиппс кекса матросни учратган кунига лаънатлар айтиб, Лондонга қайтишга мажбур бўлади. Лондонда эса у қирол Карл 11 га ҳисобот бериши зарур эди. Чунки экспедиция учун анчагина салмоқли маблағ ажратилганди.

Лекин Фиппснинг омадими ёки омадсизлиги сабабми, "Жазоир атиргули" кемасининг Лондонга қайтиши, қирол Карл 11 нинг ўлимига тўғри келади. Тўғри, у бир томонлама қиролга ҳисобат беришдан қутулган эди. Лекин иккинчи томондан, қирол тахтини эгаллаган Яков 11 уни саройга мутлақо яқинлаштирмайди. Чунки янги қирол биров-ку биров, ҳатто ўзидан ўзи хавотир қиладиган, денгиз тубидаги хазина у ёқда турсин, кўзи билан кўриб турган нарсага ҳам ишонмайдиган инсон эди. Шундай экан, уни аллақандай Уильям Фиппсу, унинг Кариб денгизи тубидаги бойликлар ҳақидаги афсонасига ҳеч ким ишонтиролмайди.

Аммо бу пайтга келиб Фиппс ёлғиз эмас эди. Унинг атрофида Англиянинг энг нуфузли одамлари, жумладан, Жон Марлборо, Генри Кристофер, герцог Олбермарлскийлар бор эди. Улар хазина борлиги ва унинг топилишига чин дилдан ишонишар ва ҳар ишда Уильям Фиппсни қўллаб-қувватлашарди. Ва ниҳоят, узоқ уринишлардан сўнг, аниқроғи, 1686 йилда герцог Олбермарлский қирол Яков 11 ни ишонтиришга ва ундан хазинани қидириш учун янги экспедиция тузиш учун рухсат олишга муфаввақ бўлади. Албатта, экспедицияни молиявий таъминлаш масаласи, яна қироллик зиммасига тушади. Шунингдек, топилажак бойлик қирол Яков 11, герцог Олбермарлский ва Уильям Фиппс ўртасида тақсимланишига ҳам келишиб олинди.

Бу гал экспедицияга бир эмас, икки кема йўл олди. Сув остида махсус қидирув ишларини олиб боришга мўлжалланган "Жеймс энд Мэри" ва ўн дона тўп билан жиҳозланган "Генри оф Лондон" кемалари Фиппс ихтиёрига берилди. Шундай қилиб, Фиппс бошчилигида иккинчи экспедиция очиқ денгизга йўл олди.

1686 йилнинг 22 феврал куни ҳар икки кема Эспаньоло оролилик кекса матрос чизиб берган харитада белгиланган ҳудуд – Кариб денгизининг денгизчилар томонидан Сельвер-Банк, деб аталувчи қисмига лангар ташлади. Бу гал Фиппс ҳар икки кема экипажи, оддий матросларидан тортиб, экспедиция аъзоларигача қидирув ишларига сафарбар қилди. Сафарбарлик шу даражага етдики, кемадагилар навбат билан бир кеча-кундузда 24 соат мобайнида тинимсиз ишлашди. Албатта, бу жонкуярлик натижасиз қолмади. Орадан бир неча кун ўтиб ғаввослар сув остида "Нуэстра сеньора де ла консепьон" кемасининг қолдиқларини топишди. Ана шундан кейин иш юришгандан юришиб кетди. Ғаввослар ҳар куни махсус бочкаларда чўккан кема бортида мавжуд бойликларни тортиб олишарди. Чўккан кема бортидаги қуйма олтин ва кумуш ғиштлар, ҳар хил қимматбаҳо металлардан тайёрланган турфа тақинчоқлар, ошхона буюмлари, хуллас, бир сўз билан айтганда, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган бойликлар мавжуд эди. Янаям аниқроқ айтганда, афсона одамлар кўз ўнгида ҳақиқатга айланиб бораётган эди. Икки ой тинимсиз қилинган меҳнат оқибатида ҳар иккала кема бортида бўлган матрослар ва экспедиция аъзолари ҳолдан тойишди. Қолаверса, "Жеймс энд Мэри" кемаси бортига тўпланаётган ҳисобсиз бойликлар уларнинг орасида турли келишмовчиликлар келиб чиқишига сабаб бўла бошлади ва охир-оқибат улар бир неча гуруҳларга бўлиниб кетишди. Бу бўлиниш эса ҳар икки кемада исён гулхани ёнишига туртки бўлди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, хазина қидиришга киришишдан аввал узоқ мулоҳаза қилиб кўрган, кимсан Англия қиролининг ишончига кира олган, қолаверса, бир марта оғзи куйган Уильям Фиппс содда одам эмас эди. У агар хазина топиладиган бўлса, албатта, экспедиция аъзолари ёки матрослар орасидан бу бойликларга кўз тикиши мумкин бўлган одамлар топилишини аввалдан ҳисобга олган ва шунинг учун ҳам уларнинг орасига ўз жосусларини киритишга муваффақ бўлганди. Ана шу пухталиги натижаси ўлароқ, Фиппс ҳар икки кемада содир бўлган ва содир бўлиши кўзда тутилаётган ҳар бир воқеадан хабардор эди. Энг асосийси, Фиппсда ҳар қандай исённи шафқатсиз бостириш имконияти ҳам мавжуд эди. Афсуски, бошқалар буни билишмасди...

***(Давоми бор)***

**Хорижий матбуот материаллари асосида Ислом ҲАМРО тайёрлади**

**ЭЪЛОН**

**Тошкент вилояти адлия бошқармаси Бекобод шаҳар давлат нотариал идораси нотариуси лавозими учун танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.**

***Танловда иштирок этиш истагини билдирган талабгорлар адлия бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:***

***а) Малака комиссияси номига ариза;***

***б) Паспорт нусхаси;***

***в) Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;***

***г) Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;***

***д) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;***

***е) Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин 3 йил мобайнида нотариус лавзимида иш бошламаган талабгорнинг қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида комиссия қароридан кўчирма;***

***ж) Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, У.Носир кўчаси, 93-уй.**

**Телефонлар: 363-51-03, 363-51-04.**

**Наманган вилояти адлия бошқармаси ҳузуридаги адвокатлар Малака комиссиясининг 2006 йил 20 декабрь кунидаги 4-сонли қарорига асосан «Юрист» адвокатлик бюроси адвокати Олтинова Турғунойни адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилиш муддати 6 ойга тўхтатилди.**



*Равон йўллар*

*Jinoyat va jazo*

# ҚАБОҲАТ ИЛДИЗИ

**Суд очерки**

***(Давоми. Боши учинчи бетда)***

Буни кўрган она шўрлик қўшниларга кетмай туринглар, болам яна кўчага чиқиб кетиб бир балони бошламасин, дея ялина бошлади. Нормамат ака эса Ботирга кучи етмаслигини айтиб, ён қўшнилари Равилни чақиришни маслаҳат берди. Равил маҳаллада обрў-эътиборга эга йигит эди. Маҳалла-кўйдагилар унинг гапини икки қилмас, ўзи ҳам бировни ноҳақдан дилини оғритмасди. Равил келгач, ҳазил-ҳузил билан Ботирни машинадан тушириб, ҳовли ўртасидаги чорпояга бошлади. У ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиргач, Равил: «Ботир, ука, энди хафа бўлмайсан, қўл-оёғингни боғлаб, ётқизиб кетаман, тинчгина ухлагин, қолган гапларни ўзингга келганингдан кейин гаплашамиз», деди. Ботир ҳам ярим ҳазил, ярим чин қўлларини жуфтлаб Равилга узатди. Қўл-оёғи боғлиқ ётаркан, Ботир Нормамат ака билан ҳовлидан чиқиб кетаётган Равилга: ака, майли, мен айтганингиздек, тинч ётаман, фақат эвазига пиво олиб келасиз, бўлмаса кечаси билан уйқу бермайман, деб бақириб, қолди. Равил бўпти, дегандек бош ирғадию уйига кетди. Орадан бир оз вақт ўтгач, Ботир яна бақириб сўкинишни бошлади.

Бу пайт атрофни қоронғулик қоплаган эди. Ўғлининг тинимсиз типирчилаши, бақир-чақиридан безовта бўлган онаизор девор-дармиён қўшнисини чақирди. Лекин қўшниям бундай оилавий жанжалга аралашавериб, чарчаган шекилли, ҳозир ўтаман, дедию қорасини кўрсатмади. Бу орада Ботир аввал қўлини, кейин оёқларини ечиб, онасига ташланди. Қўрқувдан дир-дир титраган Нигора хола деворга суяниб, ерга ўтириб қолди. Кайфнинг ва аламнинг зўридан кўзлари чақчайиб кетган Ботир онасининг ёқасидан ушлаб ўрнидан турғизди. «Менга пул беринг, — деди у тишларини ғичирлатиб, — бўлмаса, ҳаммангни чавақлайман». Нигора хола: пул йўқ, болам, дея йиғлаб ўғлидан нарироқ қочди. Шунда жанжалга Фарҳод аралашди. Ботир Фарҳодга қараб ерда ётган темирни отди. Темир онанинг қўлига келиб тегди. Нигора хола вой-войлаганча яна ерга ўтириб қолди. Бундан жаҳли чиққан Фарҳод акасини маҳкам қучоқлаб чорпояга судради. Бироқ Ботир укасидан кўра анча кучли эди. Шунинг учун бир силтаниб укасининг қўлларидан чиқди. Бўшанди-ю, ўз жигарини инсон боласи дош беролмайдиган сўзлар билан ҳақорат қила бошлади. Бошида акасининг ҳақоратларига чидаб турган Фарҳод охийри чидай олмади, жавоб қайтарди. Бундан ғазабланган Ботир: «Ҳали сен менга гап қайтарадиган бўлдингми?», — дея ошхонага кириб пичоқ олиб чиқди. Укасига яқинлашиб, пичоқни зарб билан силтади. Фарҳод чап бериб қолди. Пичоқ елкасига енгил жароҳат етказиб, акасининг қўлидан учиб ерга тушди. Сўнгсиз ҳақорату таҳқирлардан кўзлари қонга тўлган Фарҳод пичоқни олиб, қаршисида чайқалиб турган ўз акасининг бўғзига урди. Буни кўриб турган она шўрлик ҳушидан кетиб қолди. Ўзининг нима қилганини билиб-билмай турган Фарҳод бир ерда ҳушсиз ётган онасига, бир бўғзидаги пичоқ билан ҳамон чайқалиб турган акасига термуларди. Шу маҳал Ботир гуп этиб ерга қуладию Фарҳоднинг ҳуши ўзига келгандай бўлди. Югуриб онасининг ёнига борди. Юзига сув сепиб, ўзига келтирди. Кейин уйга олиб кириб, ташқарига чиқмасликни тайинлади-да, ўзи ҳовлига чиқиб акасининг мурдасини оғилхонага судради. Фарҳод энди нима қилиб қўйганини тушунган, бунинг жазоси қандай бўлишини ҳам англаб турарди. Эҳтимол, шунинг учун ҳам унинг хаёлига: мурдани йўқотсам, жазодан қутулиб қоламан, деган ўй келди ва шу ўйни амалга ошириш пайига тушди...

Рўй берган воқеанинг қисқача тафсилоти шундан иборат. Яқинда ушбу жиноий иш юзасидан суд бўлиб ўтди. Айбдор ўз жазосини олди. Лекин мен суд ҳукми билан танишиш жараёнида ғалати бир ҳолнинг гувоҳи бўлдим. Судда гувоҳлик берганларнинг барчаси Фарҳоднинг анча камгап ва уятчан эканлигини, Ботирнинг эса хийла феъли бузуқлигини таъкидлаб ўтишган. Албатта, биз Фарҳодни оқлаш фикридан йироқмиз. Қолаверса, инсоннинг жонига қасд қилиш, қай тарзда бўлишидан қатъи назар, ҳам гуноҳ, ҳам қонунан жиноят ҳисобланади.

Судда гувоҳлик берганларнинг айтишича, Алланазаровлар хонадонидаги уриш-жанжаллар доимий давом этиб келган. Бунга Ботирнинг ичкиликка муккасидан кетгани асосий сабаб қилиб кўрсатилди. Хусусан, марҳумнинг акаси Баҳодирнинг бу хонадондан оиласи билан бош олиб чиқиб кетишига ҳам оиладаги носоғлом муҳит сабаб бўлган. Мана, гувоҳ сифатида иштирок этган Қаҳҳорова Наргизанинг кўрсатмасидан кўчирма:

«Мен бу оилага 1997 йилда келин бўлиб тушганман. Кўпчилик ҳолларда қайин укам ичиб келиб жанжал чиқарар, мени, болаларимни жуда ёмон кўрарди. Ҳеч қачон менга янгасидай, болаларимга ўз жигарларидай қарамаган...»

Судда жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган Алланазрова Нигоранинг кўрсатмасидан кўчирма: «... Ҳақиқатдан ҳам, мен шунча йил уч ўғлим билан бирга яшардим. Каттасини уйладим. Рўзғоримиз бут бўлса-да, тинчлик йўқ эди. Ўлган одамни ортидан ёмон эди, дейиш гуноҳ. Бунинг устига Ботир ўз фарзандим. Лекин отинг ўчгур шу ичкилик болам шўрликни адойи тамом қилганди. Ичганидан кейин доим тўполон қилар, гоҳида уйдаги барча буюмларни ташқарига улоқтирарди. Шундай жанжаллар оқибатида катта ўғлим болачақасини олиб бошқа шаҳарга кўчиб кетишга мажбур бўлди. Кенжам Фарҳод болалигидан анча мулойим, уятчан ва менга жуда меҳрибон эди. Бу Ботирга ёқмас, ичиб олиб нуқул сен, қиз боласан, деб уни масхара қиларди. Ўша куни ҳам Фарҳод Ботирни тинчлантиришга, жойига олиб келиб ётқизишга уринди. Бироқ Ботир унга: «Сен эркак эмассан», дегач, у ҳам жавоб қайтарди. Бундан жаҳли чиққан Ботир: «Сен ҳали менга гап қайтарадиган бўлдингми», деб уйдан пичоқ олиб чиқиб унга ташланди. Кейинги воқеаларни аниқ айтолмайман. Ҳушимни йўқотгандим...»

Ҳурматли газетхон, бўлиб ўтган воқеа тафсилотлари, жабрланувчи ва гувоҳларнинг судда берган кўрсатмалари билан танишдингиз. Суд айбдорга қонуний жазони эълон қилди. Айбдор ўз жазосини олди. Лекин ҳаётда шунга ўхшаш воқеаларнинг содир бўлишига сизу биз ҳам айбдор эмасмизми? Нега битта оилада йиллаб носоғлом муҳит ҳукм сурадию, маҳалла-кўй бехабар бўлишади. Қўшнилар-чи? Нега улар ёнгиналарида бўлаётган воқеаларга бефарқ қарашади? Ушбу воқеаларни ёзиш жараёнида мен халқимизнинг «Бир болага етти маҳалла ота-она», деган ўгитида катта маъно борлигига яна бир бор амин бўлдим. Ҳақиқатдан ҳам, инсоннинг вояга етишида маҳалланинг, атроф-муҳитнинг таъсири катта. Эҳтимол, ён-атрофидагилар бефарқ бўлмасдан Ботирни вақтида ёмон йўлдан қайтарганларида, тўғри йўлга солганларида ёш жони увол бўлмасди. Бир онаизор қақшамасди, оила пароканда бўлмасди. Шундай экан, атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга ҳушёр қараш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Зеро, битта жиноятнинг, кўнгилсизликнинг олдини олиш минглаб дилхираликларнинг пайини қирқиш билан тенгдир.

**Азим ЙЎЛДОШЕВ,**
**Сирдарё вилоят прокуратураси катта терговчиси**
**Сардор МАДАТОВ,**
**журналист**

**ИНСОН ва ҚОНУН**

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Бобомурод РАЙИМОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Ислом ҲАМРО, Хуршид СОДИҚОВ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

**Индекс: 646882**

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-16. Тиражи — 7500.

Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 23.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5